



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИДАГИ ЎРНИ

Хайруллаев Икром

*“Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар”
магистратура йўналиши II курс талабаси*

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосчи мамлакатларидан бири сифатида Ўзбекистон ушбу ташкилотга аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан баробар ШХТ ривожланишининг стратегиясини белгилайди. Бу йўналишда айнан мамлакатимиз саъй-ҳаракатлари билан ташкилот иш бошлаган 2001 йилдан эътиборан унинг фаолиятини такомиллаштириш, ташкилот иштирокчилари, шунингдек, бошқа умумбашарий ва минтақавий институтлар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш борасида салмоқли муваффақиятларга эришилди.¹ Ўзбекистон ШХТга асос солган давлатлардан бири сифатида барча иштирокчи мамлакатларнинг ҳаётий манфаатларига жавоб берадиган истиқболли йўналишларда ўзаро ишончли ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали ўз салоҳиятини тўлиқ очиб беришдан манфаатдордир. Сўнгги пайтларда республика вакиллари ШХТнинг аксилтеррор ва ҳарбий машғулотларида тўлақонли иштирок этишмоқда.

2004 йил Тошкентда ШХТнинг “Минтақавий аксилтеррор тузилмаси”(МАТТ) очилди. Шунингдек, Ўзбекистон 2007 йил 27 июнда имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг қўшма ҳарбий машғулотларини ўтказиш тўғрисидаги битимга ва 2008 йил 28 августда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризмга

¹ Shanxay hamkorlik tashkiloti mustahkamlanishida O'zbekiston tashabbuslari va ularning o'rni|Uzbekistan <https://uzbekistan.lv/uz/shanxay-hamkorlik-tashkiloti-mustahkamlanishida-ozbekiston-tashabbuslari-va-ularning-orni/>.



қарши қўшма амшғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги битимига қўшилди. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон ШХТ доирасидаги конструктив ва самарали ўзаро алоқаларни қўллаб-қувватлайди, шунингдек, ШХТ Хартиясида белгиланган “биргаликда ривожланиш” тамойилларига жавоб берадиган ташаббусларини қўллаб-қувватлашга, ўзининг халқаро обрўсини ошириш учун ШХТнинг янги кун тартибини шакллантиришда ўзининг конструктив ҳиссасини қўшишга тайёрлигини билдириб келмоқда.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсат стратегиясида кўзда тутилган очик ва конструктив мулоқат доирасида ШХТ фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон томони ШХТни терроризм ва экстремизм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ савдоси, уюшган жиноятчилик ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши ҳамкорликнинг муҳим воситаси, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ижтимоий, маданий ва гуманитар соҳаларда шерикларидан бири деб билади. ШХТ доирасидаги хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик самарадорлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Турли даражадаги мунтазам учрашувлар механизмлари яратилган бўлиб, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда аъзо давлатларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи мустаҳкам қонунчилик базаси ишлаб чиқилган Аъзо мамлакатлар хавфсизлик ҳамда иқтисодий масалаларда муштарак эканлиги ШХТ эришган муваффақиятларнинг, дунёдаги ўзгарувчан вазиятга тез мослаша олиш қобилиятининг бош омили бўлди. ШХТ минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий муносабатларни изчил ўстириб бориш учун қулай муҳит яратиш, ҳамкорликда инфратузилма лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш учун ўзига хос платформага айланди. Шу маънода аъзо мамлакатлардан бири сифатида Ўзбекистон ташкилот



доирасидаги ҳамкорлик стратегиясини аниқлашда бошқа аъзолар билан тенгма-тенг қатнашяпти.²

Мамлакатимиз ШХТ Хартияси ҳамда унинг асосини белгиловчи бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга қатъий мос келувчи сиёсатни оғишмай давом эттириш, минтақа давлатларининг хавфсизлиги ҳамда барқарорлигини, иқтисодий фаровонлиги ва тараққиётини таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни рўёбга чиқариш тарафдоридир.

Ўзбекистон ўзининг кўп сонли ва ҳаётий вазифаларни амалга оширишдаги конструктив ёндошувлари туфайли амалда барқарор иқтисодий ривожланишни ва ШХТ давлатларининг умумий фаровонлигини таъминлаш билан муваффақиятли амалга оширмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон ҳам ШХТнинг бошқа аъзолари билан самарали савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, фан ва таълим, туризм, тарихий ва маданий мерос, санъатнинг турли соҳаларида самарали ҳамкорлик ва дўстона алмашинувни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга ҳисса қўшиб келмоқда ШХТнинг Ўзбекистондаги халқ дипломатияси марказининг директори, сенатор Раҳматилла Назаровнинг таъкидлашича: “Қисқа вақт ичида ШХТ катта марраларни забт этди, у жаҳон ҳамжамияти томонидан самарали минтақавий халқаро ташкилот сифатида эътироф этилди. Мамлакатларимиз ўртасида яқин ва ўзаро тушунишга асосланган самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда”. Шу билан бирга, у ШХТ ҳар бир иштирокчининг, ташкилотнинг ҳар бир аъзосининг қизиқишини ҳисобга олишини алоҳида таъкидлайди. R.Nazarov бу нуқтайи назардан ташкилот ҳукуматнинг стратегияси ва режаларини

² Автор статьи — Раҳматулла Нуриббетов, Начальник Департамента по сотрудничеству с региональными организациями Министерства иностранных дел Республики Узбекистан, национальный координатор Республики Узбекистан по делам ШОС: “Роль ШОС в современных международных отношениях: взгляд из Узбекистана” 2021/04/15. Шанхайская организация сотрудничества|ШОС <http://rus.sectsco.org/news/20210415/742084.html>.



тўлдиради, шунингдек мақсадларга эришиш учун кўшимча рағбат беради деб ҳисоблайди. 2001 йил 4-15 июнь кунлари Хитойда Шанхай саммити бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов иштирок этди ва Ўзбекистоннинг “Шанхай форуми” га тўлиқ аъзолиги тўғрисида Баёнот имзоланди. Ўзбекистоннинг “Шанхай форуми” га кириши муносабати билан ушбу ташкилот янги Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) номини олди. Ўзбекистон унинг асосчиларидан бирига айланди. 2001 йил июнь ойида бўлиб ўтган саммитда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги Декларация ва терроризм, ирқчилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси имзоланди. Декларацияда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг мақсади аъзо давлатларнинг ўзаро ишончлилиги, дўстлик ва яхши кўшничилиқни мустаҳкамлаш, улар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва илмий-техник, маданий, таълим, энергетика, транспорт, экология соҳаларда самарали ҳамкорликни рағбатлантириш кераклиги баён этилди.

ШХТга аъзо давлатлар давлат раҳбарлари кенгашининг 2004 йил 17 июнда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилиши Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарлари иштирок этишди. Ушбу учрашувда бир қатор масалалар кўриб чиқилди, хусусан, давлатлар раҳбарлари Тошкентда “Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси” (МАТТ)ни фаолияти тўлақонли ишга тушишидан мамнун эканликларини таъкидладилар. Иккинчидан, гиёҳвандлик ва психотроп моддалар ва уларнинг ноқонуний айланиши, трансмиллий таҳдидларга қарши ШХТ доирасида биргаликда курашиш тўғрисида шартнома имзоланди. Учинчидан, давлат раҳбарлари терроризм ва экстремизмнинг



дунёнинг турли мамлакатлари ва минтақаларида кескинликларни ошишига сабаб бўлаётганидан ўз хавотирларини билдириб ушбу таҳдидларга қарши самарали курашиш кераклигини таъкидладилар. Тўртинчидан, давлат раҳбарлари Осиё-Тинч океани минтақасида минтақавий тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш учун барчанинг конструктив ҳамкорликда иш олиб боришларини таъкидладилар.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотида фаол роль ўйнайди ва унга катта аҳамият беради. Ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари минтақавий барқарорликни сақлаш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликдир. Россия ва Хитой ташкилотнинг энг йирик давлатлари бўлиб, улар Ўзбекистон учун муҳим шериклардир. Бундан ташқари, ташкилот минтақадаги давлатлар ўртасида ҳамкорлик қилиш имкониятларини тақдим этади. 2004 йил январь ойида Тошкентда ташкилотнинг терроризмга қарши маркази очилди. Унинг биринчи директори Ўзбекистонлик В.Қосимов эди. Ташкилотнинг аксилтеррор маркази минтақа хавфсизлигини таъминлашда катта роль ўйнайди. Ташкилот доирасида иштирокчи мамлакатлар терроризм, гиёҳванд моддалар савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишда муҳим маълумотлар ва янги усуллар билан алмашадилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мавжуд бўлган йиллар давомида ўзининг самарадорлигини исботлади. Ўзбекистон ҳукумати ташкилотнинг доимий ривожланишига умидвор бўлиб, ундаги иштирокидан доимий ижобий натижалар кутмоқда.

Барчамизга маълумки, 2022 йил 16 сентябрь куни Самарқанддаги “Буюк ипак йўли” халқаро туристик мажмуаси Конгресс марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.



Бугунги кунда дунёдаги нуфузли халқаро тузилмага айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон имзолаган декларация асосида ташкил этилган. Ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши кўшничликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзи қамраган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш Ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига асос солган давлатлардан бири сифатида унинг фаолиятида муҳим ва фаол роль ўйнамоқда. Ўзбекистоннинг ташаббуслари ШХТнинг халқаро нуфузини ва салоҳиятини юксалтиришга, кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳамisha хизмат қилиб келган.

Мамлакатимиз шу пайтгача ШХТга 2003-2004, 2009-2010 ҳамда 2015-2016 йилларда раислик қилган. Ўзбекистоннинг тўртинчи – 2021-2022 йиллардаги раислиги қизғинлиги, мазмундорлиги ва натижага қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Самарқанд мезбонлик қилаётган ШХТнинг бу галги саммити ҳам анъанага кўра, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган учрашувда Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Исломи Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси



Президенти Эмомали Раҳмон, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Мин ва ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Руслан Мирзаев иштирок этди.

Самарқанд саммити кун тартибига мувофиқ, давлат раҳбарлари ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақада юзага келаётган сиёсий ва иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Ўзбекистоннинг 2021-2022 йилларда ШХТга раислиги натижалари юзасидан ахборот берди. Қайд этилганидек, бу даврда 80 дан ортиқ йирик тадбир ўтказилди. Пандемиянинг мураккаб оқибатлари ва янги хавф-хатарларга қарамай, Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги режаси тўлиқ бажарилди.

Саммитда имзолаш учун салмоқли ҳужжатлар тўплами – 40 дан зиёд битим ва қарорлар тақдим этилди. Уларда ШХТ давлатларининг ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, саноат кооперацияси, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш, савдо каби энг муҳим ва истиқболли йўналишларда ҳамкорлик қилишга доир умумий ёндашувлари акс этган.

Президентимиз ШХТ тарихан қисқа даврда минтақавий ва глобал жараёнларнинг таъсирчан иштирокчисига айланганини таъкидлади. Хавфсизлик ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида, ташкилотнинг барқарорлаштирувчи роли кучайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ШХТнинг блокларга қўшилмаслик мақомини, очиқлик ва кенг ҳамкорликка қаратилган руҳини сақлаш, мураса, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро ҳурмат принципларига амал қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.



*Жами 44 та ҳужжат – битим, концепция, дастурлар ва бошқа қарорлар қабул қилинди. Бу ташкилот тарихида рекорд кўрсаткичдир.
Жумладан:*

- ШХТга аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома қоидаларини 2023-2027 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс ҳаракатлар режаси тўғрисида;*
- ШХТга аъзо давлатларнинг ўзаро боғлиқликни ривожлантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича концепцияси тўғрисида;*
- “ШХТнинг эзгу ният элчиси” фахрий унвони тўғрисидаги низом тўғрисида;*
- ШХТга аъзо давлатларнинг ўзаро ҳисоб-китобларида миллий валюталар улушини босқичма-босқич ошириш бўйича “йўл харитаси” тўғрисида;*
- Эроннинг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзолангани тўғрисида;*
- Беларусь Республикасини ШХТ аъзолигига қабул қилиш жараёнини бошлаш тўғрисида;*
- Мальдив Республикаси, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари, Мьянма Иттифоқи Республикаси, Қувайт Давлатига ШХТнинг мулоқот бўйича шериғи мақомини бериш тўғрисида;*
- Варанаси шаҳрини (Ҳиндистон) 2022-2023 йилларда ШХТнинг туризм ва маданий пойтахти деб эълон қилиш тўғрисида;*
- ШХТ котибияти ва Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ (ЮНЕСКО) ўртасида меморандумни имзолаш тўғрисида;*
- ШХТ Бош котибининг ташкилотнинг ўтган йилги фаолияти ҳамда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг 2021 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари ҳақида;*



– ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши қарорларининг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида;

– ШХТ фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг:

– иқлим ўзгаришига нисбатан жавоб ҳаракатлари тўғрисида;
– ишончли, барқарор ва диверсификациялашган етказиб бериш занжирларини таъминлаш тўғрисида;

– глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида;
– энергетик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги баёноتلари қабул қилинди.

Бундан ташқари, тадбир доирасида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

– Эроннинг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум;

– ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– ШХТга аъзо давлатлар ўртасида хизматлар савдоси соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳадли асослари;

– ШХТ мамлакатларининг ваколатли органлари ўртасида музей иши соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

– ШХТ мамлакатларининг ваколатли органлари ўртасида ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– ШХТ мамлакатларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлиги дастури;

– ШХТ мамлакатларини инфратузилмавий ривожлантириш дастури;

– ШХТ мамлакатларининг ишибилармон доиралари ўртасидаги саноат кооперациясини рағбатлантириш дастури;



- Рақамли саводхонликни ривожлантириши бўйича ШХТ дастури;
- ШХТга аъзо давлатларнинг сунъий интеллектни ривожлантириши бўйича ҳамкорлиги дастури;
- ШХТга аъзо давлатларнинг тиббиёт ташкилотлари ўртасида юқумли касалликларни профилактика қилиши ва даволаш масалаларида ҳамкорлик бўйича “йўл харитаси”;
- ШХТга аъзо давлатлар ўртасида устувор йўналишлардаги илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳаракатлар режаси (2022-2025 йилларда);
- ШХТда минтақа ичидаги савдони ривожлантириши бўйича қўшма ҳаракатлар режаси;
- ШХТ мамлакатларининг телемедицина соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси;
- ШХТ мамлакатларининг “ақлли” қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиши соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси;
- ШХТ ва Араб давлатлари лигаси котибиятлари ўртасида меморандум;
- ШХТ котибияти ва Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ (ЮНЕСКО) ўртасида ўзаро англашув тўғрисида меморандум;
- ШХТ котибияти билан Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия (ЭСКАТО) ўртасида ўзаро англашув тўғрисида меморандум ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонуни. // <http://www.lex.uz> /досс/39149.
2. «О мерах по коренному совершенствованию системы Министерства иностранных дел Республики Узбекистан и усилению его ответственности за реализацию приоритетных направлений внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности»
3. Мирзиёв Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. / Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 56 б.
4. Лебедева М.М. Мировая политика: учебник. –М.: «Кнорус», 2014, – 341.
5. А.Тўраев. Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатлар(услугий кўлланма).-Т.: Ўзбекистон, 2015.-64 б.
6. Баркин J.S. Интернационал Organizations.Theories анд Institutions.New Ёрк.: Палgrave масмиллан, 2006. – 213 п.
7. Ўзбекистон: минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорликнинг устувор йўналишлари. 23.12.2020 <https://review.uz/uz/post/uzbekiston-mintaqaviy-tashkilotlar-doirasida-hamkorlikning-ustuvor-yonalishlari>.